

МАТН УСТИДА ИШЛАШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДОШУВ (немис тили корреспенденцияси мисолида)

доц. Ю. Н.Исмаилов (ЎзДЖТУ)

XX аср охирига келиб чет тилларини ўрганиш ва ўргатишда коммуникатив ва компетенциявий ёндошув пайдо бўлди ва тез орада устувор йўналишга айланишга улгурди. Бунда биринчидан, жаҳон бўйлаб чет тиллари соҳа мутахассисларининг изланишлари маҳсуллари, хусусан Европа Кенгаши лойиҳаси доирасида яратилган “Чет тилларини эгаллашнинг Умумевропа талаблари: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш” рисоласининг бекиёс ҳиссаси бўлса, иккинчидан ахборот технологияларининг шиддатли ривожланиши ва мисли кўрилмаган имконият чўққиси эришганлигини тан олиш лозим. Таълим соҳаси, хусусан чет тилларини аниқ мақсадларга йўналтирилиб ўқитишда айниқса **компетенциявий ёндошув** олдинги ўринларга чиқиб олди ва ўзининг илк ижобий натижалари билан амалиётда яққол намоён бўлмоқда. Айнан юқоридаги рисолада тил ўрганишдаги компетенциявий ёндошув моҳияти кўп жиҳатдан тизимли ёритилган, билим даражалари аниқлаб берилган ва тил ўрганувчиларга тавсияномалар ишлаб чиқилган. Ушбу ёндошув фақат ва бевосита тил ўқитиш амалиёти жараёни билан чегараланмасдан, ўқув стандартларини ва намунавий ўқув режаларини мукаммаллаштириш, янги авлод дарсликлари ва ўқув материаллари яратиш каби чет тилларини ўқитиш билан боғлиқ бутун таълим жараёнига ўзгартиришларни талаб қилади.

“Чет тилларини эгаллашнинг Умумевропа талаблари: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш” рисоласида батафсил талқин этилган **коммуникатив компетенция**эса ўз навбатида лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенциялар каби асосий ва бир қатор иккиламчи компетенцияларни ўз ичига олган ҳолда уйғунликда намоён бўлади. Коммуникатив фаолият коммуникация иштирокчиларининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳолда кундалик ҳаёт, ижтимоий – сиёсий жараёнлар, касбий фаолият ва таълим жараёни каби ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларини қамраб олган(1).

Чет тилларини компетенциявий ва коммуникатив йўналтириб ўқитиш тил сатҳларининг барча қатламларида қатор инновацион усулларни жалб қилган ҳолда ўзига хос кечади. Кейинги йилларда тилшуносликка шиддат билан кириб келган матншуносликана шундай тил сатҳларидан бири бўлиб, у нисбатан ёш лингвистик йўналишлардан бири бўлишига қарамасдан соҳа мутахассислари учун аллақачон турли нуқтаи назардан муҳим тадқиқот объектига айланишга улгурди. Қисқа вақт ичида махсус адабиётларда матн тилшунослиги билан боғлиқ кўплаб нашрларнинг пайдо бўлиши бунинг исботи бўла олади(2).

Тилшуносликда матн талқини бир пайтнинг ўзида ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан долзарблиги билан ажралиб туради. Унинг айниқса чет тили ўқитиш билан боғлиқ амалий жиҳатларини бугунги куннинг талабига айланиб бораётганлигини алоҳида эътиборга лойиқ. Бу борада қуйидаги уч амалий йўналиш доирасидаги компетенциялар мажмуаси, яъни чет тилидаги матнни тушуна билишга қаратилган текст дидактикаси, матнларни бир биридан фарқлайдиган текст компетенцияси ва турли матнлар яратиш (ёзиш)га бориб тақаладиган компетенциялар яққол намоён бўлади.

Матн лингвистикаси доирасида энг кўп талқин қилинадиган тушунчалардан бири “матн тури” тушунчаси бўлиб, соҳа адабиётига ҳатто “матн турлари компетенцияси” тушунчаси кириб келган ва у ўз навбатида аҳамияти жиҳатидан тил компетенциясининг энг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланган(3). Матн турлари бир пайтнинг ўзида ҳам рецептив, ҳамда продуктив компетенция шаклида намоён бўлади ва шундай ҳолдаги кўникма сифатида чет тили ўқитиш амалиётига хизмат қилади. Матнни кўз югуртириб ўқиб чиқиш ва уни эшитиб тушуниш (селектив эшитиш) рецептив шаклда, бевосита янги матн яратиш билан боғлиқ фаолият тури эса продуктив шаклда намоён бўлади.

Қуйида немис тили матн турларининг кундалик ҳаётда энг кенг тарқалган, немис тилини ўрганувчилар учун ўта муҳим ва айна пайтда мураккаб матн турларидан бири, хат матн тури компетенцияси талқин қилинади. Хат ва унинг кўплаб турлари мавжудлигини инобатга олган ҳолда шу ўринда корреспонденция атамасини қўллаш мақсадга мувофиқдир, чунки ушбу атама ўз навбатида жамловчи функцияси билан ажралиб туради. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, чет тилида, хусусан немис тилида хат битиш нафақат чет тилини ўрганувчилар ва ўргатувчилар, ҳаттоки немисларнинг ўзлари учун ҳам мураккибликлардан ҳоли эмас. Соҳа адабиётларида, айниқса Интернет сайтларида мавжуд ўқув қўлланмаларининг фақат чет тилини ўрганувчилар учун эмас, она тилида хат ёзувчиларга қаратилганлиги ҳам бунинг исботидир.

Хат ёзишни тасодифан ёки кутилмаган эмас, олдиндан режалаштирилган, аниқ мақсадларни кўзлаган ва тизимга туширилган бутун бир технологик жараён деб қабул қилиш лозим. Ушбу жараён “хат орқали хабар бериш”, “хат орқали таъсир қилиш” каби аниқ вазифаларни кўзлайди(4). Ушбк мақсад ва вазифаларга эришиш учун чет тилида хат ёзиш умумий ёзув компетенциясининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, унда якуний мақсади бўлган коммуникатив компетенция жамловчи функцияга эга ҳолда бир қараганда мавҳум туюлсада, аслида лингвистик, социолингвистик ва прагматик каби компетенцияларни ўз ичига олади.

Лингвистик компетенция ўз навбатида фонологик, орфографик, грамматик, лексик, фразеологик ва матн компетенциялардан иборат бўлсада, хат ёзишда фонетик компетенция аҳамиятга эга эмас. Ундан фарқли ўлароқ, аксарият тил ўрганувчилар томонидан унчалик муҳим эмас деб қараладиган *орфографик ёки орфоэтик компетенция* эса чет тилидаги ёзув қоидалари ва билимларни эгаллаш ва уларни амалиётда тўғри қўллай билиш каби компетенция бўлиб, ўзининг норматив – муъёрий хусусияти билан яққол ажралиб туриши сабабли хат матни устида ишлашда ўз ўзидан муҳим компетенцияга айланади. У хат матнининг деярли барча бўлакларида, хусусан хат олувчи жисмоний ва юридик шахснинг (адресат) манзили, исм – шарифи, сана, мурожаат ва хат охиридаги талабларда нукта, вергул, ундов белгиларининг қўйилишидан тортиб, сатрларнинг бошланиши ва якунланиши каби қоидаларда ўз ифодасини топади.

Грамматик компетенция тилнинг шаклий жиҳатларини ифодалаган ҳолда грамматик билимларни эгаллаш ва уларни тил амалиётида қўллай билишни кўзда тутати ва грамматиканинг анъанавийлигидан келиб чиқиб морфологик ва синтаксик компетенцияга бўлиш мумкин. Замонавий тил ўқитиш методикасида грамматикага ўзига хос норматив – меърий ўрин чегараланиб қўйилган бўлсада, тил ўрганишда грамматик компетенция ханузгача ўз долзарблигина сақлаб келмоқда. Хусусан, немисча хатларда грамматик род категорияси ўз алоҳидалиги билан ажралиб туради. Немис тилидаги мурожаат сўз бирикмалари бунга яққол мисол бўла олади.

Лексик компетенция тил ўрганувчининг чет тилдаги вокабуляр “лексик бирликлар, сўзлар ҳақидаги билимлари ва ушбу сўзларни қўллай билиш лаёқатини назарда тутди. Лексик компетенциянинг таркибига сўзларни тўғри танлаш, сўзларнинг ҳудудий, ижтимоий ва синхрон “бўёқлари” назарда тутиш каби хусусиятлар киради. Масалан, *Werte, Werter* мурожаат сўзи ҳозирда эскирган(5), унинг шрнига асосан *Sehr geehrte Frau ... sehr geehrter Herr...*нейтрал ибораси кенг қўлланилади.Лексик компетенция хатларда саломлашув ва хайрлашув каби нутқ бирликлари билан бир қаторда мақол ва маталлардан иборат турғун сўз бирикмалари билан уйғунлашган фразеологик компетенция сифатида намоён бўлади. Лингвистик компетенцияларнинг яхлит келиши айниқса хатларда мақсадга мувофиқ,улар бир – биридан ажратилса компетенцивий ёндошувга путур етиши мумкин.

Стилистик компетенция эса юқоридаги барча компетенциялар воситаси ёрдамида вужудга келади ва прагматик компетенция таркибида намоён бўлади.

Социолингвистик компетенция жамияти ва тилнинг яхлит бирлигини ўзида жамлайдиган компетенциядир. Ушбу компетенция айниқса хат ёзиш амалиётида алоҳида аҳамият касб этади. Хат муаллифининг асл “қиёфаси” айнан социолингвистик билимларни эгалланганлигида кўзга ташланади ва хат матнининг барча таркибий қисмларида, айниқса хатнинг бошланиш ва якунланишида ўз ифодасини топади. Социолингвистик компетенциянинг хат ёзиш билан боғлиқ энг хусусияти хат матнида гендерликда,хусусан аёл адресатларга мурожаатда кўринади. Аёл ва эркакдан иборат жуфтликка ёки бир вақтнинг ўзида эр – хотинга мурожаатда биринчи ўринда аёлга мурожаат жой эгаллайди. Мас: *Sehr geehrte Frau Schmid, sehr geehrte Herr Schmidt*. Жамиятнинг юқори хизмат вазифаси соҳиби ёки юксак мартабали инсонларига ёки дипломатк корпуснинг юқори мартабали вакилларига нейтраль *Sehr geehrte* мурожаатномаси ўрнига *Euer Hochwürdigen Herr, Euer Eminenz, Euer Eminenz, Euer Mahnifizienz, Ehrwürdige Frau*сўз бирикмалари қўлланилади.

Прагматик компетенция асосан хатнинг мазмуний қисмида ўз ифодасини топган ҳолда, коммуникатив акт (ситуация) ва коммуникация иштирокчилари ўртасидаги муносабатдан келиб чиқади. Хат қанча мазмунан муаммоли бўлса, прагматик имкониятлар шунчалик кенг бўлади. Шу ўринда шикоят хатлари прагматик устуворлиги билан ажралиб туради. Хат муаллифи ижобий натижага эришишга интилар экан, хатида турли тил воситалари, айниқса экспрессив лексикага бой синоним, метафора, стилистик фигура ва фразеологизмларни кенг қўллашга ҳаракат қилади.

Немис тилида корреспонденция имкониятларини таҳлили қилар эканмиз, хат ёзиш билан боғлиқ бир қатор хусусиятлар, хусусан чет тилида хат муаллифи учун хат имловий ва шу каби лингвистик воситаларни энг асосий деб билишини назарда тутиш лозим. Натижада аслида муҳим бўлган социолингвистик ва прагматик компетенциялар лингвистик компетенциянинг соясида қолиб кетади. Бу эса хатдан кўзланган коммуникатив компетенциянинг бесамаралигига олиб келади. Бу эса чет тилини ўргатиш ва ўрганиш жараёнида хат ёзиш билан боғлиқ қатор имкониятлардан кенг фойдаланишни, айниқса хат ёзишга компетенциявий ёндашувни тақоза этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Gemeinsamer europäischer Referenzrahmen für Sprachen: lernen, lehren, beurteilen. Langenscheidt.Berlin.2001.

2.Thurmair M. Textsorten. In: Deutsch als Fremd-und Zweitsprache. Ein internationales Handbuch. Hrgs. von H –J. Krumm, Ch. Fandrych, B. HufeisenS.

3. Thurmair M. Textlinguistik. In: Deutsch als Fremd- und Zweitsprache. Ein internationales Handbuch. Hrgs. von H.-J. Krumm, Ch. Fandrych, B. Hufeisen. S. 275-282.
4. Manekeller W. Bürokorrespondenz – professionell und überzeugend! Humboldt Ratgeber. München. 2012. 284-292.
5. Duden. Richtiges und gutes Deutsch. Dudenverlag. Berlin. 2019.
6. <https://www.nachhilfe-team.net/lernen-leicht-gemacht/brief-schreiben/>.
7. <https://www.uebungskoenig.de/deutsch/briefe-schreiben/>.
8. <https://www.kfmv.ch/wissen/berufsalltag/professionelle-briefe-schreiben>.
9. Jalolov, J., and G. Makhkamova. "Ashurov Sh." English Language Teaching Methodology. Tashkent (2015).